




Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



WWW.XS.UZ



E-mail: Info@xs.uz



2018 йил 27 ноябрь, № 244 (7202)

Сешанба

Сайтимизга ўттиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ БОЖХОНА МАЪМУРИЯТЧИЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ХИЗМАТИ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Республикада ташқи иқтисодий фаолиятни либераллаштириш, инвестицион жозибадорлиқни ошириш ва мамлакатнинг экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш бўйича вазибалар тизимли асосда амалга оширилмоқда.

Қўзланган вазибаларнинг муваффақиятини амалга оширилиши кўп жиҳатдан божхона органлари фаолияти самарадорлигига боғлиқ.

Шу билан бирга, божхона маъмуриятчилиги соҳасида мамлакатда қулай инвестиция муҳитини яратиш ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга тўқсинлик қилувчи бир қатор тизимли муаммолар сақланиб қолинмоқда. Амалдаги божхона тартиб-таомиллари халқаро норма ва стандартлар талабларига тўлиқ жавоб бермайди, ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари учун ортиқча вақт ва молиявий сарф-харажатлар билан боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари томонидан божхона қонунчилигига риоя этишлари ва ҳалол тадбиркорларни рағбатлантириш, улар учун маъмурий тўсиқларни камайтириш бўйича дейрли ҳеч қандай механизмлар қўлланилмапти.

Божхона органларининг самарасиз ва ортиқча назорат функциялари тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилишига олиб келмоқда.

Божхона органлари ходимлари моддий жиҳатдан рағбатлантириш учун имкониятлардан етарли даражада фойдаланилмадик коррупция ҳолатлари профилактикаси ва бутун тизимнинг самарадорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Божхона маъмуриятчилигини янада такомиллаштириш ва божхона тартиб-таомилларини соддалаштириш, божхона органлари фаолияти самарадорлигини ошириш, бизнесни ривожлантириш йўлида бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва мамлакатда инвестиция муҳитини яхшилаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг:

2019-2020 йилларда “Яллама” ва “С. Нажимов” (Тошкент вилояти), “Дўстлик” (Андижон вилояти), “Олот” (Бухоро вилояти);

2020-2021 йилларда “Доут-ота” (Қорақалпоғистон Республикаси), “Маданият” (Андижон вилояти), “Ўзбекистон” (Фарғона вилояти), “Ғиштқўприк” ва “Ойбек” (Тошкент вилояти) божхона постлари худудларига туташ жойларда замонавий божхона терминалларини, шу жумладан, давлат-хусусий шериклик асосида қуриш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин;

2. Белгилансинки: божхона терминалларидаги давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг асосий функциялари “ягона дарча” тамойили асосида божхона, банк, логистика, тезкор-лаборатория, фитосанитар, ветеринар, санитар-эпидемиологик, экологик, сертификатлаштириш ва бошқа хизматларни кўрсатиш хисобланади;

(Давоми 2-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРДА ВА ФУҚАРОЛАРНИНГ АЙРИМ ТОИФАЛАРИ УЧУН АРЗОН УЙ-ЖОЙЛАР ҚУРИШНИ КЕНГАЙТИРИШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Сўнгги йилларда янгиланган намунавий лойиҳалар асосида арзон уй-жойлар қуриш ҳисобига қишлоқ аҳолисини уй-жой билан таъминлаш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги ПҚ-2639-сонли қарори билан тасдиқланган 2017 — 2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойларни қуриш Дастурига (кейинги ўринларда — Дастур) мувофиқ янгиланган намунавий лойиҳалар асосида 53 мингдан зиёд арзон уй-жойлар ва квартиралар қурилди, турар-жой шaroитларини яхшилашга муҳтож 65 мингга яқин оила уй-жой билан таъминланди.

Шу билан бирга, Дастур ижро қилинишини ўрганиш яқунлари қишлоқ жойларда арзон уй-жойларга талаб юқори эканлигини кўрсатди, янгича ёндашувларни ишлаб чиқиш-ни тақозо этадиган уй-жойлар қурилишини ташкил этиш ва муҳтож оилаларни арзон уйлар билан таъминлаш бўйича бир қатор жиддий камчиликлар аниқланди:

биринчидан, намунавий лойиҳа-

лар бўйича арзон уй-жойлар қурилиши учун қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ерлар тоифасига қирадиган ер участкаларидан фойдаланиш, аҳоли пунктларининг муҳандислик-транспорт коммуникацияларини ва инфра-тузилмасини ривожлантириш орқали аҳолининг уй-жойига бўлган юқори талабини тўлиқ қондириш мақсадида:

1. Қўйдагилар қишлоқ жойларда уй-жой қурилишини янада ривожлантириш ва муҳтож оилаларни арзон уй-жой билан таъминлашнинг устувор йўналишлари этиб белгилансин:

уй-жойларни худудий оптимал жойлаштириш ҳамда улар учун фақат қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ерлар ва ўрмон фонди ерлари тоифаларига қирмайдиган ер участкаларини тақдим этиш ҳисобига ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш; кам таъминланган ва уй-жой шaroитларини яхшилашга муҳтож бўлган оилалар учун мўлжалланган арзон уй-жойлар қуриш қўламини кенгайтириш;

тўртинчидан, намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуришда шаҳарсозлик норма ва қоидалари

(Давоми 2 ва 3-бетларда).



Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ЯНГИЛИКЛАР, ВОҚЕАЛАР, ТАФСИЛОТЛАР

Ўзбекистон — Қозоғистон:

ҲАМКОРЛИК ТЎҒРИСИДА МЕМОРАНДУМ ИМЗОЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Нурдинжон Исмоилов бошчилигидаги парламент делегацияси расмий ташриф билан Қозоғистон Республикасида бўлиб турибди. Ташриф дастурига кўра, 26 ноябрь куни делегация аъзолари Қозоғистон Парламенти Мажлиси Раиси Нурлан Нигматулин билан учрашди.

Қонунчилик палатаси Матбуот хизматининг хабар беришича, мазкур ташриф мамлакатларимиз ўртасидаги Абдий дўстлик тўғрисидаги шартнома имзоланганининг 20 йиллигига тўғри келмоқда.

Сўхбат чоғида таъкидлаб ўтилганидек, турли даражадаги алоқаларнинг

фаоллашуви иккала мамлакатнинг кўп қиррали муносабатларни кенгайтиришдан манфаатдор эканини аниглади. Ҳозирги вақтда ушбу алоқалар парламентлар ҳамкорлиги йўналишида ҳам изчил ривожланиб бормоқда.



Марказий сайлов комиссиясида

ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР ТАВСИЯЛАРИ ИНОБАТГА ОЛИНДИ

Самарқанд шаҳрида ўтказилган Инсон ҳуқуқлари бўйича Осиё форуми доирасида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси Мирзо-Улугбек Абдусаломов Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ)нинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси (ДИИХБ) директори Ингибёрг Сольрун Гисладоттир бошчилигидаги делегация билан учрашди.

Томонлар қарий йигирма йилдан буён ҳамкорлик алоқаларини олиб борапти. Хусусан, ЕХХТ ДИИХБ Ўзбекистондаги сайловларда қузатувчи сифатида иштирок этиб келмоқда.

Таъкидланганидек, ЕХХТ ДИИХБ миссиялари томонидан билдирилаётган таклиф ва тавсиялар миллий сайлов қонунчилигини такомиллаштириш, уларни демократик принциплар ҳамда халқаро стандартларга мувофиқ тарзда очик ва эркин ўтказиш мақсадида ўрганилганди, инобатга олинмоқда. Сайлов кодекси лойиҳаси ишлаб чиқилиши, унинг ЕХХТ ДИИХБга ўрганиш учун юборилиши бунга мисолдир.

Жорий йил сентябрь ойида ЕХХТ ДИИХБ ва Венеция комиссияси делегацияси

Сайлов кодекси лойиҳаси юзасидан тайёрланган дастлабки ҳулосаларини қўриб чиқиш учун Ўзбекистонга ташриф буорди. Ўз наба-тида, октябрь ойида Венеция мезбонлик қилган Ҳуқуқ орқали демократия учун Европа Комиссиясининг 116-ялли йигилишида мамлакатимиз вакиллари иштирокида шу бўйича муҳокамалар бўлиб ўтди. Айни чоғда Бухоро шаҳрида ташкил этилган халқаро конференцияда Сайлов кодекси лойиҳаси экспертлар томонидан яна бир бор чуқур қўриб чиқилди. Унда ЕХХТ ДИИХБ, Венеция комиссияси ва сайлов тизими соҳасидаги бошқа халқаро институтлар вакиллари ҳам қатнашди.



«Анор — 2018»

ТАДБИРКОР АЁЛЛАР ТАНЛОВИ

Пойтахтимизда бўлиб ўтган Тадбиркор аёллар ҳафталиги доирасида “Тадбиркор аёл” Ўзбекистон Ишбилармон аёллар ассоциацияси томонидан “BUSINESSWOMANEXPO — 2018” кўргазмаси ўтказилди.



Унда ишлаб чиқариш ва саноат соҳасида фаолият юритаётган тадбиркор опсингилларимиз, деҳқон ва фермер ҳўжалиқларини бошқарувчи, аҳолига маиший хизмат кўрсатувчи корхоналар, хусусий ва яқна тартибда меҳнат қилаётган ишбилармон хотин-қизлар иштирок этди.

“Анор — 2018” тадбиркор аёллар кўрик-танлови ғолибларини тақдирлашга бағишланган маросим ҳам ҳафталик доирасидаги ёрқин тадбирлардан бири бўлди. Унинг якунига кўра, турли номинациялар бўйича Қашқадарё вилоятидаги “Тозалик маликаси” масъулияти чек-

ланган жамияти раҳбари Матлуба Ўтаганова, Сирдарё вилоятидаги “Жайхўбек Ҳамкор Файз” фермер ҳўжалиги раҳбари Насиба Тойлоқова, Нукус шаҳридаги “Массагет Нукус Тур” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Дилфуза Жиенбекова биринчи ўринга муносиб топилди.

М. АЗИЗОВА.

Динора ЧИРКОВА олган сурат.

ДУНЁНИНГОҲИ

«FINANCIAL TIMES»: «БУЮК ИПАК ЙЎЛИНИ ҲИС ҚИЛИШ УЧУН РЕГИСТОНГА БИР МАРТА БОРИШ КИФОЯ»



“Қадим замонларда Буюк Ипак йўлидаги дурдона шаҳарларни бориб қўриш учун одамлар қарвонларда ойнаб йўл босганлар. Энди туя қарвонларини унутинг. Самарқанднинг мовий гўмбазларини бориб қўришга бир неча соат етарли”, деб ёзади унинг муаллифи, таниқли тўрл-журналист Жереми Хед.

Журналистнинг фикрича, яқин-яқингача ўзбек заминига келишда маълум қийинчиликлар мавжуд бўлиб, хусусан, виза олиш тартиби мураккаб эди, ички транспорт инфратузилмасида муаммолар учради. Аммо сўнгги йилларда республикада барча соҳада жадал ўзгаришлар юз бермоқдаки, туризм жабҳаси ҳам янги поғонада ривожланаётир.

“Масалан, виза олиш тартиби мураккаб соддалаштирилди, электрон визалар жорий қилинмоқда. Пойтахт Тошкентни Самарқанд, Бухоро, Хива

каби тарихий шаҳарлар билан боғлайдиган транспорт тизими ҳам яхшиланди. Буларнинг барчаси сайёҳларнинг вақтини тежашга хизмат қилади. Жумладан, мен Лондоннинг Хитроу аэропортини жума куни кечки соат 18.00 да тарк этиб, Тошкентга келиб, Бухоро ва Самарқандга тезкор поездда бориб, саёхат қилиб, сешанба куни соат 17.00 да Лондонда иш жойимда эдим. Фантастика!”, дея ўз хайрати билан ўртоқлашади “Financial Times” мухбири.

Тошкентдан Самарқандга-ча бўлган 344 километр ма-

софани тезкор поезд икки соатда босиб ўтганини ҳикоя қилар экан, Жереми Хед йўл чарчоғини умуман ҳис этмаганини, аксинча, шинам ва сокин поездда ҳар томонлама ором олганини таъкидлайди.

Мақолада юртимизнинг тарихий шаҳарлари, шу жумладан, Самарқанд ва Бухоронинг мезморий обидалари, уларнинг маҳобати ҳамда гўзаллиги катта завқ ила тавсифланади. Хусусан, Буюк Ипак йўлининг тарихини билиш ва ҳис қилиш учун

Регистонга бир марта бориш кифоя, дейди журналист. “Бир неча йил олдин Бухорода элиқча яқин меҳмонхоналар фаолият юритган бўлса, бугун уларнинг сони бир юз эллиқдан ошди ва тобора қўлайиб бормоқда. Бу табиий жараён. Зеро, Ўзбекистон олиб бораётган очиклик сиесати тўғрисида мамлакатга сайёҳлар оқими кўпайиб, меҳмонхоналарга эҳтиёж эса ортиб бормоқда”, дейилади мақолада.

Анор МИРЗАЕВ («Халқ сўзи») тайёрлади.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРДА ВА ФУҚАРОЛАРНИНГ АЙРИМ ТОИФАЛАРИ УЧУН АРЗОН УЙ-ЖОЙЛАР ҚУРИШНИ КЕНГАЙТИРИШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1 ва 2-бетларда).

13. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, “Ўзметкомбинат” АЖ ва “Ўзқурилишматериаллари” АЖ буюртмачилар ҳамда лойиҳа ташкилотларнинг асосланган ҳисоб-китоблари бўйича арзон уй-жойлар, шунингдек, уларнинг муҳандислик-транспорт коммуникациялари ва инфратузилма объектлари қурилиши учун тўғридан-тўғри шартномаларга ва биржа котировкаларининг ўртача нархларига мувофиқ ҳақини олдиндан тўлиқ тўлаш шarti билан металл прокати ва цемент ажратилишини таъминласин.

14. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлиги, иштирок этувчи тижорат банклари, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

арзон уй-жойлар, муҳандислик-транспорт коммуникациялари ва инфратузилма объектлари қурилиши учун халқро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг узок муддатли имтиёзли кредитларини жалб этиш чораларини кўрсин;

ушбу қарор талабларидан келиб чиққан ҳолда аввал имзоланган қарз битимлирига тегишли ўзгаришлар киритиш юзасидан Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки, Саудия тараққиёт жамғармаси ва Кувайт араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси билан музокаралар олиб борсин;

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда Тошкент вилоятида эксперимент тарихида қурилишнинг инновацион усулларидан, замонавий қурилиш материаллари ва технологияларидан фойдаланган ҳолда давлат-хусусий шериклиги шартлари асосида арзон уй-жойлар қурилиши бўйича тақлиф киритсин.

16. Маълумот учун қабул қилинсинки:

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги томонидан БМТ Тараққиёт дастури ва Глобал экологик фонд (кейинги ўринларда — иштирокчилар) билан ҳамкорликда “Ўзбекистон Республикасининг қишлоқ жойларда энергия самарадор уй-жойлар қурилишини ривожлантиришга қўмаклашиш” қўшма лойиҳаси (кейинги ўринларда — Қўшма лойиҳа) амалга оширилмоқда;

Қўшма лойиҳа доирасида 2019 — 2021 йилларда арзон уй-жойлар қурилиши учун 3,0 миллион АҚШ доллари миқдориди мақсадли грантлар ажратилиши назарда тутилган

бўлиб, улар қурилаётган арзон уй-жойларнинг энергия самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча харажатларни қоплашга йўналтирилади;

Қўшма лойиҳа доирасида “Қишлоқ қурилиш лойиҳа” МЧЖ томонидан арзон уй-жойларнинг энергия самарадорлигини оширишга қаратилган замонавий энергия тежамкор материаллар ва технологиялардан фойдаланишни кўзда тутувчи намунавий лойиҳалари ишлаб чиқилди;

энергия самарадор арзон уй-жойларнинг қурилиши Қўшма лойиҳа иштирокчилари билан келишган ҳолда аниқланадиган массивларда амалга оширилади;

мақсадли грантлар БМТ Тараққиёт дастури билан грантлар ажратиш бўйича имзоланадиган шартномага мувофиқ “Қишлоқ қурилиш банк” АТБ орқали ипотека кредити доирасида ажратилади.

17. “Қишлоқ қурилиш инвест” ИК” МЧЖ, “Қишлоқ қурилиш лойиҳа” МЧЖ ва “Қишлоқ қурилиш банк” АТБ Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда:

Қўшма лойиҳа иштирокчилари билан келишган ҳолда намунавий лойиҳаларнинг жойларга боғланишини ва энергия самарадор арзон уй-жойлар қурилиши бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилишини;

грантлардан мақсадли фойдаланилиши ва қурилиш-монтаж ишларининг сифатли амалга оширилиши устидан доимий назорат ва мониторинг олиб борилишини;

Қўшма лойиҳа иштирокчилари талабига биноан мониторинг ва назорат натижалари тўғрисида маълумотлар тақдим этилишини таъминласинлар.

18. Тошкент шаҳар ҳокимлиги иштирок этувчи тижорат банклари билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017 — 2020 йилларда шаҳарларда арзон кўп квартирали уйлари қуриш ва реконструкция қилиш Дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2016 йил 22 ноябрдаги ҚК–2660-сонли қарори доирасида Тошкент шаҳрида қурилаётган кўп квартирали уйлардаги квартиралар ҳисобидан ҳар йили:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш тизими самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 1 июндаги ПФ–5066-сонли Фармониға мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тизими ҳарбий хизматчилари, кутқарувчилари ва ходимлари учун — 56 та квартира;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 августдаги ҚК–3224-сонли қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг ҳарбий хизматчилари учун — 300 та квартира;

Вазирлар Маҳкамасининг “Ички ишлар органлари ходимларининг турархўй шароитларини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2017 йил 29 июндаги 444-сонли қарорига мувофиқ ички ишлар органлари ходимлари учун — 168 та квартира;

Вазирлар Маҳкамасининг “Мамлакат ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этаётган ёш оилаларни уй-жой билан таъминлашда қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2017 йил 23 сентябрдаги 753-сонли қарорига мувофиқ мамлакат ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этиб, алоҳида намуна кўрсатаётган ёш оилалар учун — 420 та квартира;

Вазирлар Маҳкамасининг “Оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларга, ногиронлиги бўлган, кам таъминланган, фарзандларини тўлиқсиз оилада тарбиялаётган ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож оналарга арзон уй-жойлар бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2018 йил 12 апрелдаги 285-сонли қарорига мувофиқ оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизлар учун — 66 та квартира ажратилишини таъминласин.

19. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари иштирок этувчи тижорат банклари билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017 — 2020 йилларда шаҳарларда арзон кўп квартирали уйлари қуриш ва реконструкция қилиш Дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2016 йил 22 ноябрдаги ҚК–2660-сонли қарорига мувофиқ шаҳарларда қурилаётган кўп квартирали уйлардаги квартиралар ҳисобидан ҳар йили мамлакат ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этиб, алоҳида намуна кўрсатаётган ёш оилалар ва оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизлар учун амалдаги параметрлар ва низомларга биноан квартиралар тақдим этилишини таъминласин.

20. 2019 йилнинг 1 январидан бошлаб шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ қурилиши тугалланган арзон уй-жойларда асосли тарзда назорат тартибиди ўлчаш натижалари бўйича аниқланган ва ушлаб қолинган суммалар уй-жой қурувчиларга қайтарилади.

21. Ўзбекистон Миллий телерадиокмпанияси ва

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, “Қишлоқ қурилиш инвест” ИК” МЧЖ ва иштирок этувчи тижорат банклари билан биргаликда ушбу қарорнинг мазмуни ва моҳияти оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритилишини таъминласин.

22. Куйидагилар:

ушбу қарорнинг талаблари ўз вақтида ва тўла-тўқис амалга оширилишини таъминлаш устидан қаттиқ назорат олиб борилиши юзасидан — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари (Раматов) зиммасига;

ушбу қарор билан тасдиқланган йиғма кўрсаткичлар ва асосий параметрларга мувофиқ арзон уй-жойлар, муҳандислик-транспорт коммуникациялари ҳамда инфратузилма объектлари ўз вақтида ва сифатли қурилиши юзасидан — Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазири (Тўхтаев) зиммасига;

қурилиш-монтаж ишлари таннархини пайсатириш ва уларда маҳаллий замонавий қурилиш материаллари ва ускуналарини кенг қўллаш, шунингдек, маҳаллий қурилиш индустриясини барқарор ривожлантириш ва пудрат ташкилотлари салоҳиятини мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирларни изчил амалга ошириш юзасидан — Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт вазири (Ходжаев) зиммасига шахсий жавобгарлик юклансин.

23. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонunchиликка ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгаришлар ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

24. Мазкур қарорнинг баҳарлилигини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг раҳбари З. Ш. Низомиддинов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг ўринбосари Г. К. Саидова зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти	Ш. МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри, 2018 йил 24 ноябрь	

Парламент назорати

Коррупцияга қарши кураш мактабдан бошланади

Урганч шаҳрида Олий Мажлис Сенати Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда Президентимизнинг жорий йил 2 февралдаги қарори билан тасдиқланган 2017-2018 йилларга мўлжалланган коррупцияга қарши курашиш бўйича Давлат дастурининг таълим муассасаларида коррупцияга қарши курашишга оид махсус ўқув курслари жорий этилишига доир бандлари Хоразм вилоятида қандай баҳариллаётгани муҳокама қилинди.

Халқ таълими бошқармаси тасарруфидидаги ўқув муассасаларида коррупцияга қарши курашиш, ходимлар ўртасида порахўрлик ва бошқа мансаб суиистеъмолчиликларига чек қўйиш ҳам Давлат дастурида белгиланган вазифалардан. Бу борада вилоят бўйича ўқитувчи ҳамда ўқувчилар ўртасида режа асосида аноним сўровномалар ўтказилган ва улар натижаларига кўра, 2017 йилда Бош прокуратура ҳамда Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда ўтказилган ҳайат йиғилишида Урганч шаҳридаги таълим муассасаларида ўқувчи ва ўқитувчилардан мактабни таъмирлаш ишларига ҳамда турли хил тадбирлар учун пул йиғилаётгани муҳокама қилинган. Унинг натижаларига асосан, бир қатор камчиликларга йўл қўйган мактаб директорлари эғаллаб турган лавозимидан озод этилган.

Йиғилишда бу бўйича вилоятда аниқланган хато ва камчиликларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, айрим таълим масканларида коррупцияга қарши кураш, тегишли таълим дастурларини такомиллаш-

тиришга етарлича эътибор берилмаётгани айtilди.

— Жумладан, Тошкент ахборот технологиялари университетининг Урганч филиали, Хоразм вилояти халқ таълими бошқармаси ҳамда касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармасида таълим муассасалари ўқитувчиларини ўқитиш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш дастурлари доирасида махсус машғулотлар олиб борилмагани аниқланди, — дейди Олий Мажлис Сенати Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари Тolibжон Мадмуarov. — Шу билан бирга, мазкур таълим масканларида коррупцияга қарши курашишга доир ўқув-методик ҳамда илмий адабиётлар умуман ишлаб чиқилмаган. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этганлиги учун жа-вобгарлиқнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари бўйича назарий ва амалий тадқиқотлар ўтказилмагани ҳам қайд этилди.

Одилбек ОДАМБОВЕ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳар ИИББ Эксперт-криминалистика маркази томонидан кўрсатиладиган пуллик хизматлар ва ишлар рўйхати

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва 2017 йил 18 апрелдаги «Ички ишлар органларининг жинойятларни тергов қилиш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, Тошкент шаҳар ИИББ Эксперт-криминалистика маркази томонидан юридик шахсларга пуллик асосда экспертлик, илмий тадқиқот ва ахборот хизматлари амалга оширилади.

1. Ҳужжатларда, қимматбаҳо қоғозларда, шахсни тасдиқловчи ҳужжатларда қалбакилаштириш белгиларини аниқлаш, давлат идоралари, корхона-ташкilotлар, банк муассасалари, хусусий фирмаларда ҳужжатлар билан иш олиб боровчи ходимлар томонидан ҳужжатларда хатоликларга йўл қўймасликлари учун эътибор қилишлари лозим бўлган масалалар бўйича ўқитиш.
2. Корхона-ташкilotлар, банк муассасалари, хусусий фирмаларда ўрнатилган видеокузатув мосламаларининг шахсини идентификация қилишда видеокузатув тизими имкониятларини аниқлаш.
3. Транспорт воситаларининг двигатель, шасси, кузов рақамларини рўйхатга қўйишда ва қайта рўйхатдан ўтказишдаги тадқиқотлар.
4. Ҳужжатлар, қимматбаҳо қоғозлар, лотерея чипталари, шунингдек, бошқа турдаги қатъий ҳисобот остидаги босма махсулотларнинг ҳақиқийлигини аниқлаш бўйича тадқиқотлар.
5. Кўлөзмалар ва имзоларни идентификация қилиш бўйича тадқиқот.
6. Узок муддат мобайнида ўчиб кетган матнларни қайта тиклаш.

Пуллик хизматни амалга ошириш учун буюртмачи (буюртмачи адвокати, юридик шахс ёки ташкilot раҳбари) ва Тошкент шаҳар ИИББ ЭКМ ўртасида шартнома тузилади. Шартнома тузиш учун буюртмачи ИИББ ЭКМ бошлиғи номига хат билан мурожаат қилади. Хат юридик шахсининг бланкида мурожаат тарихида бўлиши шарт, ушбу хатда тадқиқот ўтказиш учун тақдим этилаётган ҳужжатларнинг рўйхати ва хал этилиши лозим бўлган саволлар кўрсатилиши керак. Мурожаатнинг якунида таққослаш учун тақдим этилаётган ҳужжатлар рўйхати келтирилиши лозим.

Мурожаат учун телефонлар: 71-281-92-14, 71-281-92-15.

10254/488

халқро парламент анжуманида ҳам иштирок этдилар.

Озарбайжон, Италия, Қирғизистон, Литва, Россия, Туркия парламентлари аъзолари, шунингдек, Германия, Ҳиндистон, Испания, Хитой, Швеция каби мамлакатлардан ташриф буюрган экспертлар ва халқро ташкилотлар вакиллари қатнашган тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери сўзга чиқиб, давлатларимиз раҳбарларининг юксак сиёсий иродаси тўғрйли айни пайтда минтақада, янги сиёсий муҳит яратилгани, ўзаро ишонч ва яхши қўшничиликка асосланган муносабатлар мустаҳкамланиб бораётганини қайд этди.

Форум кун тартибидан ўрин олган масалалар шўьба сессиялари доирасида муҳокама этилди.

Зийёда АШУРОВА.

Ўзбекистон — Қозоғистон:

ҲАМКОРЛИК ТЎҒРИСИДА МЕМОРАНДУМ ИМЗОЛАНДИ



— Бугун икки мамлакат

Президентларининг ўзаро ва қалин дўстлиқка асосланган биргаликдаги самарали фаолияти шарофати билан Қозоғистон ва Ўзбекистон ўртасида барча соҳада кўп томонлама алоқаларни ривожлантиришга мустаҳкам асос яратилмоқда. Бу эса икки давлат парламенти аъзоларининг ҳамкорлиги ҳамда фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга

олиб чиқиш имконини беради, — дейди Қозоғистон Парламенти Мажлиси Раиси Нурлан Нигматулин.

Урачуве доирасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Қозоғистон Республикаси Парламенти Мажлиси ўртасида ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланди.

Шунингдек, Ўзбекистон делегацияси аъзолари Остона шаҳрида ўтказилган “Остона — глобал интеграция, тинчлик ва хавфсизлик маркази” мавзусидаги

КЕЛГУСИ УЧ ЙИЛДА ИНФЛЯЦИЯ ДАРАЖАСИ ҚАНДАЙ БЎЛАДИ?



Айтиш жоизки, ўрта муддатли истиқболда пул-кредит сиёсатининг муҳим вазифалари сифатида инфляцияни жilовлаш белгилан олинди. Бунинг учун қатъий пул-кредит сиёсати оритилиб, ликвидликнинг барқарорлигини таъминлаш, молия бозорини ривожлантириш чора-тадбирлари қўрилади. Қўшимча қимматли қоғозлар, хусусан, давлат облигациялари чиқарилиб, инфляцияон хавф-хатарларнинг олди олинади.

Соҳа мутахассисларининг фикрича, мавжуд пул массаларида унумли фойдаланмаслик ҳам инфляция даражасини ошириши мумкин. Шу маънода, ўтган даврда тижорат банклари томонидан қўтилгандан кўп валюта сотиб олинishi ҳам бу жараёнга ҳайсидаир жихатдан таъсир кўрсатди.

Эндиликда кредитлар бозор тамойилларидан келиб чиқиб ажратилади. Бу, ўз навбатида, тижорат банкларининг пул-

кредит бозоридидаги масъулиятини ошириш, қарзни келгусида қайтара оладиган мижозларга беришига замин яратади.

Йиғилишда макроиктисодий барқарорлик таҳлил қилинар экан, яна бир муҳим масала — молиявий савдоқончилиги оширишга эътибор қаратилди. Банк тизими раҳбариятининг айтишича, айни пайтда юртимиз аҳолисининг бу борадаги савдоқонлиги етарли эмас. Бунинг исботи сифатида одамларнинг аксарияти буш пул маблағларини доллар кўринишида сақлашга одатланишганини келтиришди. Муминно шундаки, ҳаракатда бўлмаган пул массаси фойда келтирмайди. Мисол учун, бу йил қўлида доллар сақлаганлар ютадилар. Чунки валюта биржаси савдоларидаги сўмнинг АҚШ долларига нисбатан алмашув курсида катта ўзгариш кузатилади. Аниқроғи, йил бошидан бўён валюта курси атиги 1,3 фоиз ошиб, 108 сўмни ташкил этган, холос. Аксинча, банк депозитларининг ўсиш тенденциялари сақланиб қолган.



Шунингдек, йиғилиш доирасида тижорат банклари кредит сиёсатини такомиллаштириш, молия бозорини ривожлантириш ва ликвидликни бошқариш амалиётини тубдан яхшилаш, коммуникация сиёсатини раvнақ топтириш, олий ўқув юртлиари талабаларининг Марказий банкда амалиёт ўташи ҳамда Марказий банк стипендияларини танлов асосида иктидорли талабаларга тақдим этиш каби масалалар атрофлича муҳокама қилинди.

Очик йиғилишда Монетар сиёсатининг 2019 йил ва 2020-2021 йиллар даврига мўлжалланган асосий йўналишлари тасдиқланди.

Саид РАҲМОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР ТАВСИЯЛАРИ ИНОБАТГА ОЛИНДИ



МСК раиси Мирзо-Улугбек Абдусаломов таъкидлаб ўтганидек, Сайлов кодекси лойиҳасини ишлаб чиқишда ЕХТ маъмурияти ва Венеция комиссияси томонидан салмоқли кўмак кўрсатилди. Лойиҳа жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилди. Халқро ташкilotлар экспертлари, ҳуқуқшунос-олимлар, фуқаролардан 500 дан ортиқ тақлиф ҳамда тавсиялар келиб тушди. Айни пайтда улар таҳлил қилиниб, умумлаштириляпти. Яқин кунларда лойиҳанинг тўлдирилган варианти Олий Мажлис Қонунчилик палатасига юборилади.

— Бугунги кунда Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ, Ўзбекистонда жамиятнинг барча ҳабақсиди рўёбга чиқарилаётган ислохотлар катта таассурот қолдиради, — дейди Ингибёрг Сольрун Гисладоттир. — Бу сайлов тизimini такомиллаштиришга ҳам тааллуқлидир. ЕХТ ДИИХБ Ўзбекистон билан йўлга қўйилган ҳамкорлиқни юқори баҳолади. Шунга яраша ўзаро алоқаларда ҳам давомий ўсиш кузатиляпти. Ягона Сайлов кодексининг ишлаб чиқилиши, фикримча, сайловларни янада ушқоқлик ва очилик билан ўтказишга туртки беради. Шу билан бир қаторда, Ўзбекистонда сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати шакллантирилаётгани эътиборга лойик. Демократик ислохотларни ўтказиш учун нафақат сайлов қонунчилигига ўз-

гартишлар киритиш, балки фуқароларнинг асосий сайлов ҳуқуқини чекламаслик ҳам муҳимдир. Бу борада давлат, сиёсий партиялар, фуқаролик жамияти алоҳида роль ўйнайди. Биз Ўзбекистонда келгуси йил декабрь ойда парламент ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига ўтказиладиган сайловларда айни пайтда тизимда рўй бераётган ўзгаришлар натижаларига гувоҳ бўламиз.

Мулоқот давомида иштирокчилар Сайлов кодекси лойиҳасининг бир қатор қондаларини батафсил муҳокама қилишди. Маъмурий ресурслар томонидан сайловлар ўтказишга аралашинининг олдини олиш шулар жумласисидир.

Колаверса, сайловларда аёлларга катта имконият бериш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Сиёсий партиялар томонидан депутатликка илгари сурилаётган номзодлар умумий сонининг камида 30 фоизини хотин-қизлардан иборат бўлиши керак. Бу уларнинг манфаатларини сиёсий даражада муҳофаза қилишга ёрдам беради. Урачушуда сайловларда кузатувчи сифатида фуқаролик жамияти институтлари вакиллари иштироки кенгайтирилгани ҳақида ҳам тўхталиб ўтилиди.

Яқунда томонлар ўзаро ҳамкорлиқни мустаҳкамлашга тайёр эканликларини эътироф этиб, бу борадаги устувор йўналишлар бўйича ҳам фикр алмашиди.

Саиджон МАХСУМОВ.

«Qashqadaryo mulk markazi» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиди ўтказиладиган очик аукцион савдоларига тақлиф этади.

I. Савдога «Шўртан газ-кимё мажмуаси» МЧЖнинг 2018 йил 20 ноябрдаги 094/6661-сонли буюртманомасига асосан, Яккабёғ тумани, «Истиклол» МФЙ, Учтепа қишлоғида жойлашган «Шўртан газ-кимё мажмуаси» МЧЖга тегишли «YAKKABOGʻ VONA TEKS» МЧЖнинг 95,21 фоиз улуши қўйилмоқда.

● Бошланғич баҳоси — 61 200 000 000 сўм.

II. Савдога «Шўртан газ-кимё мажмуаси» МЧЖнинг 2018 йил 20 ноябрдаги 094/6661-сонли буюртманомасига асосан, Нишон тумани, Нуристон шаҳарчасида жойлашган «Шўртан газ-кимё мажмуаси» МЧЖга тегишли Спорт-соғломлаштириш марказининг 57 турдаги (мулклар рўйхати ҳамда фотосуратлари билан «Qashqadaryo mulk markazi» МЧЖдан ва www.mtm.uz расмий сайтидан кўриш мумкин) асосий воситалари ва инвентарлари қўйилмоқда.

● Бошланғич баҳоси — 152 599 259 сўм.

Аукцион савдоси 2018 йил 27 декабрь куни соат 11.00 да ўтказилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истиғидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати — 2018 йил 25 декабрь куни соат 18.00.

Спорт-соғломлаштириш марказининг 57 турдаги асосий воситалари ва инвентарларининг аукцион савдоси 2018 йил 27 декабрь куни ўтмаган ёки мулклар сотилмаган, деб белгиланган тақдирда, такрорий савдо 20

ЎН КИШИ ЯШАБ, ТЎРТ КИШИГА ПУЛ ТЎЛАЙСИЗМИ?..



2019 йилнинг 1 январидан бошлаб, маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматлари учун аҳоли томонидан мажбурий тўловларнинг ўз вақтида тўлашишни таъминлаш билан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Мажбурий ижро бюроси (МИБ) шуғулланганидан бўлди.

Бу Президентимизнинг “Каттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш учун тўловларни тўлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони билан амалиётга жорий этиладиган янги тартиблардан биридир. Хужжат билан бу борадаги саъй-ҳаракатлар самарадорлигини оширишга хизмат қиладиган, муаммолар ечимида қўл келадиган яна бир қатор ўзгаришлар ҳам рўёбга чиқарилади.

Сир эмас, ҳар бир хонадон ҳудудида маълум миқдорда маиший чиқинди уюми ҳосил бўлади. Уларни вақтида тўплаш, шахар ва аҳоли яшаш масканларидан олиб чиқиш кетиш ҳам ўта муҳим вазифалардан саналади. Бугун бундай ишларни бажараётган корхона ҳамда хусусий тадбиркорлик субъектлари талайгина. Уларнинг сифатли ва самарали фаолият юритиши учун кўрсатилаётган хизматлар ҳақини ўз вақтида тўлаш лозим.

Айни пайтда маиший чиқиндиларни тўплаш ҳамда олиб чиқиш билан 294 та ташкилот шуғулланипти. Шундан 185 тасини “Тоза ҳудуд” ва “Максустранс” ДУК филиаллари, 100 тасини хусусий ташкилотлар, 9 тасини кластерлар ташкил қиладди. Мамлакат аҳолисининг 53 фоизи ёки 17 миллион киши ана шу хизматлардан фойдаланади. Чиқиндиларни тўплаш ҳамда олиб чиқиш учун тўловларнинг 60 фоизи ҳар ойда, 40 фоизи 6 ойдан 1 йилгача бўлган муддатда амалга оширилади. Аҳолининг тўлов интизоми қишлоқ жойларида 57 фоиз, вилоятлар шаҳарларида 71 фоиз, Тошкент шаҳрида эса 95 фоизни ташкил этмоқда.

Бундан кўриниб турибдики, соҳада тўлов интизоми масаласида муаммолар мавжуд. Тизимда пул маблағларининг банддан ташқари айланмаси ва уларни қинғир йўллар билан ўзлаштириш ҳолатлари ҳам йўқ эмас. Бу эса ташкилотларнинг молиявий аҳолини қийинлаштириб, хизмат сифатини оширишга тўқнаш қилмоқда. Умуман, чиқинди тўплаш ҳамда ташқиш хизматини кўрсатишда аҳолидан тушаётган тўловларни ҳисоб-китоб қиладиган, уларни тартиб асосида тақсимлаб, ақл билан сарфлайдиган яхлит бир механизмнинг йўқлиги бемақсад ҳаракатларнинг кўпайишига тушумларнинг пасайишига сабаб бўлаётган эди.


— Эндиликда пул йиғимида шаффофлик таъминланади, турли коррупцион ҳолатларга чек қўйилади, тизим корхоналари самарадорлиги янада ошади, — дейди Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Ойбек Аҳмаджонов. — Келгуси йилдан эътиборан каттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ҳамда олиб чиқиш хизматлари тўловларини юритишнинг янги тартиби ўрнатилади.

✓ **Биринчидан**, мажбурий тўловлар энди аҳоли томонидан ҳар ойнинг 10-санасидан кечиктирмай ягона транзит банк ҳисобварақларига тўланади ва кейинчалик Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг махсус газна ҳисобварақларига ўтказилади;

✓ **Иккинчидан**, хизмат кўрсатувчи ташкилотлар томонидан кўрсатилган хизматлар учун тўлов Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан марказлаштирилган ҳолда амалга оширилади;

✓ **Учинчидан**, юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар эса тўловларни бевосита хизмат кўрсатувчи ташкилотларга 100 фоиз олдиндан тўлашни амалга оширадидилар;

✓ **Шунингдек**, МИБ қарздорликни ойлик маошдан ўшлаб қолиш, ҳар ойда мажбурий тўловлар бўйича қарздорликни ундириш ҳақида иш берувчиларга таълим юбориш, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳудудий органлари эса мажбурий



тўловлар олти ойдан ортқ муддатгача тўланмаган тақдирда судга муурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

— Янги тартибга қўра, хизмат кўрсатувчи корхоналар пул йиғиш ёки истеъмолчиларнинг ҳисобини юритиш каби вазифалардан озод этилади, — дейди МИБ бўлим бошлиғи Насим Бурҳонов. — Бу уларнинг молиявий имкониятларини кенгайтиришда муҳим ўрин тутди. Қолаверса, аҳолидан тегишли хизматлар учун мажбурий тўловлар маҳаллий давлат органларининг ҳисоб рақамларида жамланади. Ушбу маблағлар ҳисобидан тегишли хизматларни кўрсатадиган тадбиркорлик субъектларини жалб қилиш, кўрсатилган хизматлар учун ҳақ тўлаш имкониятига эга бўлади.

Хужжатга асосан, иқтисодиётнинг яна бир тармоғини тартибга солишга қара-

тилган янги механизм йўлга қўйилди. Энди 10 киши яшайдиган хонадондан 4 кишига пул тўлашлар, қарздорликни йиллаб пайсалга солиб юриш каби ҳолатларнинг олди олинади. Тўловнинг ўз вақтида ҳамда тўлиқ тўлиши эса хизмат кўрсатиш ташкилотлари орасида рақобатни кучайтиради.

Қисқаси, Фармонда белгиланган вазифалар ижроси тизим муаммоларини ҳал этиш борабарада, аҳолига сифатли хизмат кўрсатиш ва маҳаллалар озодаллигини таъминлашда муҳим ўрин тутди.

Бош прокуратура хузуридаги Ахборот-таҳлил мултимедиа маркази материаллари асосида Раҳим ШЕРҚУЛОВ тайёрлади.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ

куйидаги кафедралар бўйича лавозимларга танлов эълон қилади:

1. Академик хонандалик ва опера тайёрлови кафедраси — профессор.
2. Халқ чолғуларида ижрочилик кафедраси — профессор, доцент, катта ўқитувчи.
3. Академик хонандалик ва опера тайёрлови кафедраси — доцент, катта ўқитувчи.
4. Камер мусиқа ва концертмейстерлик маҳорати кафедраси — доцент, катта ўқитувчи.
5. Махсус фортепиано кафедраси — доцент, катта ўқитувчи.
6. Оркестр чолғулари кафедраси — доцент.
7. Хор дирижёрлиги кафедраси — доцент, катта ўқитувчи.
8. Анъанавий чолғу ижрочилиги кафедраси — доцент.
9. Ўзбек ва хорижий тиллар кафедраси — доцент.
10. Бастакорлик ва чолғулаштириш кафедраси — катта ўқитувчи.
11. Умумий фортепиано кафедраси — катта ўқитувчи.
12. Вокал ва чолғу ижрочилиги педагоглари тайёрлаш кафедраси — катта ўқитувчи.
13. Иجتимой-гуманитар фанлар кафедраси — катта ўқитувчи.

Танловда иштирок этиш учун даъвогарлар куйидаги хужжатларни тақдим қилишлари лозим:

- ректор номига ариза;
- ходимлар шахсий варақаси;
- олий маълумоти, илмий даражаси, илмий унвони ҳақида диплом ва аттестатларнинг нусхалари;
- ўқув-ўқувчи, илмий тадқиқот ва илмий-ижодий ишлари рўйхати;
- мутахассислик бўйича охириги уч ўқув йилида малака оширганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ва сертификатлар нусхаси.

Аризалар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида Ўзбекистон давлат консерваториясининг ходимлар бўлими томонидан қабул қилинади.
Манзил: 100027, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Олмазор кўчаси, 1-уй.

МИНСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ
Беларусь Республикаси

Расмий дистрибьютор Тошкентдаги омбордан таклиф этади.

Тел.: 93-555-00-95, 93-555-12-88, 71-291-68-94.
www.maz.by
E-mail: maztashkent@mail.ru

Махсуслот сертификатланган.

ПРОФНАСТИЛ
ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ куйидаги маҳсулотларни тақдим этади:
гальванизацияланган ва полимер қопламали
ПРОФИЛАНГАН ЛИСТ
гофраси баландлиги: С-17, С-18, Н-35, Н-57.
Профнастил учун материал сифатида ролондан кесилган гальванизацияланган ва полимер махсулотдан фойдаланилади.
Россия Федерацияси металлургия комбинатларида ишлаб чиқарилган.

ГАЛЬВАНИЗАЦИЯЛАНГАН ПРОФНАСТИЛ

• 0,4 мм. — 42 000 сўм/п.м.	• 0,5 мм. — 50 000 сўм/п.м.
• 0,45 мм. — 45 500 сўм/п.м.	• 0,7 мм. — 70 500 сўм/п.м.

ПОЛИМЕР ҚОПЛАМАЛИ ПРОФНАСТИЛ

• RAL 3005,6005,8017 0,45 мм. — 55 000 сўм/п.м.
• RAL 3005,6005,8017 0,5 мм. — 60 000 сўм/п.м.

Тел.: 95-475-00-65, 95-197-00-93, 99-871-88-99.

Хизматлар лицензияланган.

Тадбиркорлар ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

Бозорлар куриш бўйича «NBU BUNYODKOR INVEST» МЧЖ дирекцияси

куйидаги объект курилиши юзасидан пудрат ташкилотини аниқлаш учун энг яхши таклифлар танлови бўйича очик харидлар ўтказилишини маълум қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 мартдаги ПҚ-2853-сонли қарориди белгиланган лойиҳани амалга ошириш доирасида Сурхондарё вилояти, Олтинсой туманидаги **«Олтинсой дехқон бозори» МЧЖ**ни реконструкция қилиш ва унинг ҳудудида бир қаватли супермаркет, ёрдамчи иншооти билан 150 ўринли енгил металл конструкциялардан тайёрланган йиғиш-ёйиш павильонини ўз ичига олган III типли замонавий савдо мажмуасини куриш.

Харид ишларининг охириги қиймати: ҚҚСни ҳисобга олганда 3 069 415 092 сўм, ҚҚСни ҳисобга олганда 2 557 845 910 сўмни ташкил қилади.

Молиялаштириш манбаси: Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки маблағлари.

Курилиш муддати: пудрат шартномаси имзоланган вақтдан бошлаб 180 кун.

Буюртмачи: бозорлар куриш бўйича «NBU BUNYODKOR INVEST» МЧЖ дирекцияси.
Манзил: 100060, Тошкент ш., Я. Ғуломов кўч., 95-уй, тел.: 71-236-23-18.

Савдоларда қатнашадиган иштирокчилар учун куйидаги квалификацияловчи (таснифловчи) талаблар қўйилади: харид буюми қийматининг 20 фоиз ҳажми (613 883 018 сўм)даги айланма маблағлар ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни тақдим этиш бўйича банк кафолати, ишларни амалга ошириш учун зарур ишлаб чиқариш базаси, меҳнат ресурслари ва мутахассислар, шартнома имзолаш учун фуқаровий-ҳуқуқий лаёқат ҳамда ваколат, охириги уч йилда шу каби объектлар ва харид объектлари бўйича иш тажрибаси мавжуд бўлиши керак.

Харид хужжатлари exarid.uzex.uz сайтига жойлаштирилади.

Харидларда иштирок этиш учун савдо ташкилотчиси — бозорлар куриш бўйича «NBU BUNYODKOR INVEST» МЧЖ дирекциясининг куйидаги манзилига муурожаат қилиш лозим:

Тошкент ш., Я. Ғуломов кўч., 95-уй, тел.: 71-236-23-18, 71-233-83-27, электрон почта — nbu.direksiya@mail.ru

Харид ташкилотчисига таклиф юборишнинг охириги муддати — 2018 йил 1 декабрь.

Таклифларни очиш 2018 йил 3 декабрь кунини соат 11.00 да куйидаги манзилда бўлиб ўтади:
Тошкент шаҳри, Я. Ғуломов кўчаси, 95-уй.

«AMKODOR-TASHKENT» МЧЖ ХК

«AMKODOR», «САЛЕО», «AMKODOR-СЕМАШ» холдингларининг Ўзбекистон Республикасидаги расмий дистрибьютори

олд томонга йўналтирилган ва универсал юклагичлар МТЗ базасидаги юклагичли экскаваторлар занжирли ва гилдиракли юришдаги экскаваторлар санчики юклагичлар

Европа сифатидаги техника ва жиҳозлар Ўзбекистонда

ғаллани тозалаш ва сақлаш учун мажмуалар гидравлика

Махсулот сертификатланган.

Тел./факс: 71-283-42-18, тел.: 71-283-42-17. Моб.: 90-974-00-61, 90-974-00-81.

Ўзбекистон Республикаси, 100005, Тошкент шаҳри, 8 Март кўчаси, 57-уй. E-mail: amkodortashkent@mail.ru, www.amkodor.uz, www.amkodor.by

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1145. 72 518 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоסי келишилган нархда.

Газетани ҳақида маълумотларни юзлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Ўзлонлар 71-232-11-15.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — М. Каримова.
Мусахҳас — Ш. Машраббеов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
“Буюк Турон” кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.05 Топширилди — 22.00 1 2 3 4 5 6